




International Scientific and Practical Conference on the
topic: " Sustainable Architecture – Challenges and
Achievement of the Present and Future"



ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ БОҒЛАРИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА ЎЗБЕК МИЛЛИЙ БОҒИНИ ЯРАТИШНИНГ МЕЪМОРИЙ ДАСТУРИ

Ахтам Синдарович Уралов

*меъморчилик фанлари доктори, профессор, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат
архитектура -қурилиш университети.
e-mail: axtamuralov47@mail.ru.*

Баҳром Баҳодирович Мустаев

*1-босқич докторант (DSc), Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш
университети.
e-mail: bahrommustayev@yandex.ru.*

Аннотация. Мақолада ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастурини ишлаб чиқиш мақсадида Амир Темур ва Темурийларнинг Самарқанд ва Ҳирот шаҳарларида ҳамда Бобур ва Бобурийларнинг Қобул, Шимолий Ҳиндистон ва Покистонда яратган боғлари, боғ-паркчилик санъати ва амалиётига хос бўлган «Чорбоғ» услуги кенг таҳлил қилинган. Ана шундай исломий маданиятни комплекс илмий таҳлил қилиш асосида ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий-режасий ва ландшафт ечимлари, мазкур боғни ташиқ қилишнинг асосий тамойиллари, ўзбек миллий боғининг семантикаси ва атрибутлари, боғнинг кўнгил очар, истироҳат, маиший хизматлар, маданий-маърифий функцияларини ташиқлаштириш, боғнинг янги атрибуту– “иккинчи ошёни”ни лойиҳалаш бўйича тавсия ва таклифлар берилган. Чунки, айнан шу Чорбоғ услуги ўрта асрларда иссиқ ва қуруқ иқлимли Эрон ва Марказий Осиё халқларининг боғ-паркчилик фалсафаси ҳақидаги тафаккури ва боғлар қурилиши амалиётига мос услуб ҳисобланган. Мақолада ана шундай тафаккур ва илмий-методик услуб асосида ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастури ишлаб чиқилган.

Аннотация. В целях разработки архитектурной программы создания узбекского национального сада в статье представлены, созданные Амиром Темуrom и Тимуридами в городах Самарканде и Герате, а также сады, созданные Бабуром и Бабуридом в Кабуле, подробно анализируются Северная Индия и Пакистан, а также стиль «чорбог», характерный для искусства и практики садоводства. Архитектурно-планировочные и ландшафтные решения по созданию Узбекского национального сада основаны на всестороннем научном анализе такой

E-mail address: editor@centralasianstudies.org

(ISSN: 2660-6844). Hosting by Central Asian Studies. All rights reserved..

исламской культуры, основных принципов организации этого сада, семантики и атрибутов Узбекского национального сада, организации развлечений, рекреации, бытового обслуживания, культурно-просветительской функции сада, даны рекомендации и предложения по оформлению нового атрибута - «двухъяруса». Потому что этот стиль чарбог считался подходящим стилем для философии садоводства и практики устройства садов народов Ирана и Средней Азии с жарким и сухим климатом в средние века. В статье на основе такого мышления и научно-методического метода разработана архитектурная программа создания Узбекского национального сада.

Annotation. In order to develop an architectural program for the creation of the Uzbek national garden, the article presents those created by Amir Temur and the Timurids in the cities of Samarkand and Herat, as well as the gardens created by Babur and Baburid in Kabul, analyzes in detail Northern India and Pakistan, as well as the "chorbog" style, characteristic for the art and practice of gardening. Architectural, planning and landscape solutions for the creation of the Uzbek National Garden are based on a comprehensive scientific analysis of such an Islamic culture, the basic principles of organizing this garden, the semantics and attributes of the Uzbek National Garden, the organization of entertainment, recreation, consumer services, the cultural and educational function of the garden, recommendations and proposals for the design of a new attribute - "two-tier". Because this style of charbog was considered a suitable style for the philosophy of gardening and the practice of arranging gardens of the peoples of Iran and Central Asia with a hot and dry climate in the Middle Ages. In the article, on the basis of such thinking and the scientific and methodological method, an architectural program for the creation of the Uzbek National Garden was developed.

Калим сўзлар: Амир Темур ва Темурийлар даврининг чорбоглари, Бобур ва Бобурийларнинг Қобул, Шимолий Ҳиндистон ва Покистонда яратган боғлари, ўзбек миллий боғи, меъморий дастур, иккинчи ошёна (ярус), боғнинг семантикаси ва атрибутлари.

Ключевые слова: сады Амира Темура и эпохи Тимуридов, сады, созданные Бабуром и Бабуридами в Кабуле, Северной Индии и Пакистане, Узбекский национальный сад, архитектурная программа, двухъярусная, семантика и атрибуты сада.

Key words: gardens of Amir Temur and the Timurid era, gardens created by Babur and Baburids in Kabul, North India and Pakistan, Uzbek national garden, architectural program, two-tiered, semantics and garden attributes.

Кириш. Бугунги кунда дунёнинг илғор мамлакатларида аҳолининг рекреацион истироҳат хизматлари ва дам олишга бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Жамиятнинг бундай эҳтиёжи ижтимоий оммавий характерга эга бўлиб, инсонларни табиат билан уйғунлашишга, унга янада яқинлашишга, ўз соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган экологик устувор ва иқтисодий самарадор йўналиш сифатида фаол ривожланмоқда. Жаҳон боғ-паркчилик санъатидаги бундай ижтимоий йўналишга асосланган ғоялар асосида тарихий миллий боғ-паркчилик анъаналаримизни тадқиқ этиш ва уларнинг узвий давоми сифатида янги боғларни яратиш, уларни жаҳон тажрибалари билан бойитиш амалиёти шаклланмоқда.

Мустақиллик йилларида республикамізда боғ-паркчилик санъати ва ландшафт дизайнини ривожлантириш, мавжуд истироҳат боғлари фаолиятини тубдан қайта қуриш,

такомиллаштириш ва янги боғларни қуриш соҳасида ҳукуматимиз қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 322-сонли "2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари Дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги ҳамда 2013 йил 13 августда қабул қилинган 223-сонли "Ўзбекистон Республикасида ландшафт дизайнини ривожлантириш Дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари шулар жумласидандир. Ушбу қарорларда қўйилган вазифалар ҳозирги вақтда оғишмай амалга оширилиб келинмоқда.

Республикаимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Самарқанд вилояти фаоллари билан учрашувларининг бирида (2017 йил) Амир Темур боғларининг бир нечтасини қайта тиклаш таклифини киритди. Бу вазифадан кўзланган мақсад аслида ўзбек миллий боғини яратиш ва унинг Темурийлар давридаги тарихий мавқеини қайта тиклашдан иборат эди. Шундай экан, бугунги кунда ўзбек миллий боғини яратишнинг илмий-назарий асосларини тадқиқ қилиш, мазкур боғнинг меъморий дастурини ишлаб чиқиш ва уни замон талабларига уйғунлаштирган ҳолда лойиҳа таклифларини яратиш Ўзбекистон боғ-парк санъати ва шаҳарсозлик амалиётининг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тошкентда япон боғи бунёд этилган. Япон боғининг машҳурлиги ҳаммамизга маълум. Бироқ, Ислом мамлакатларидаги ҳозирда мавжуд тарихий чорбоғлар, ёки бизгача сақланмаган Амир Темур ва Темурийлар даврида Мовароуннаҳрда гуллаб яшнаган жаннатмакон "Чорбоғ"ларнинг мавқеи ҳам япон боғларидан қолишмайди. Хитой, Инглиз, Италиян, Француз, Испан-Мавритан боғлари, қолаверса Шимолий Ҳиндистонда Бобур ва Бобурийлар яратган боғлар, шунингдек Эроннинг меъморий шаклланган "чорбоғ"лари ҳақида ҳам кўп марталаб эшитганмиз. Бироқ, қачон меъморий ташкиллашган ўзбек миллий боғи яратилади?

Мустақиллигимизга 31 йил тўлди, бу вақт ичида нафақат Тошкент ва вилоятлар пойтахтларида, балки қишлоқ туман марказларида ҳам илгаридан мавжуд бўлган боғлар қайта қурилди, модернизацияланди, янгилари яратилди. Бироқ, бу боғларнинг аксарияти бизга Собик Иттифок давридан меърос бўлиб келган, Россия ҳамда Европача боғ-парк санъати андозалари асосида шакллантирилган маъданият ва истироҳат боғларидир. Айни пайтда дунё мамлакатлари халқлари (Хитой, Япония, АҚШ, Франция, Германия, Австрия, Англия, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа ривожланган Европа ва Осиё мамлакатлари) ўзларининг меъморий ташкиллаштирилган миллий истироҳат боғларига эга. Миллий ғояларимиз ва Истиқлол даври мафкурасига хос ўзбек миллий меъморий истироҳат боғини қачон яратамиз? Ахир, Амир Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд ва Ҳирот шаҳарлари атрофларидаги боғлар мавқеи дунёга машҳур эдику. Бу боғлар ҳақида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарида, испан элчиси Клавихонинг "Самарқандга Темур саройига саёҳат кундалик"ларида, Ибн Арабшоҳнинг "Темур тарихида тақдир ажойиботлари", Шарофиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асарида кўп марталаб айтилган. Олимларимиздан Ў. Алимов, Г.А. Пугаченкова, М.С. Булатов, Д.А. Нозилов, П.Ш. Зоҳидов, Ш.Д. Асқаров, М.С. Тўхтаходжаева, А.С. Уралов, К.Ж. Рахимов, М.А. Юсупова, С.Н. Садикова, Б.Б. Мустаевлар ҳам ушбу боғларни илмий ўрганган ва уларнинг айнан "Чорбоғ" меъморий-ландшафт услубида яратилганлигини исботлашган.

Биз ҳам ўзбек халқи миллий боғининг меъморий дастурини яратишда айнан ана шу «Чорбоғ» меъморий-ландшафт услубига асосландик.

Асосий қисм. Ҳинд олими М. Рандхаванинг ёзишича, илк чорбоғларни яратган ҳукмдор Аҳамонийлар даври подшоҳи Кир I бўлган. Кейинчалик Кир II, Ксерекс, Доро ва уларнинг давомчилари ҳамда Сасонийлар даври подшоҳлари чорбоғларни нафақат Эронда, балки ўзларига қўшни бўлган мамлакатларда, хусусан Туронда ҳам бунёд этганлар [1].

Шу зайдда «Чорбоғ» услуби Турону-заминда Амир Темур ва Темурийлар даврида, сўнгра Бобур ва Бобурийлар даврида Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистоннинг Қобул, Агра, Дехли, Фотехбур Секри, Кашмир, Лахор каби шаҳарларида ҳам кенг ривожлантирилган. Ўрта Осиёдаги хонликлар даври боғ-паркчилик санъатида ҳам "Чорбоғ" услуби етакчи мавқени эгаллаган [2]. Чорбоғ-бу меъморий шакллантирилган модулли (миқёсий) боғ бўлиб, ҳудудий элементлари бош режавий ўққа нисбатан мунтазам симметрик жойлашган, қисмлари тўрт ва ундан кўп бўлган бир-бирига тенг "чорчаман" ва "чаман"лардан тузилган, атрофи девор билан чегараланган жаннатмакон боғдир. Унда кичик модул ролини чаманлар бажарса, катта модул бу чорчамандир. Чорбоғ ўзининг режавий ечимига кўра инсон тафаккурининг энг олий тасаввури-Қуръони Каримдаги "жаннат боғи"га хос бўлган холилаштирилиш назариясига, ҳандасавий уйғунлик ва модул тизимига асосланган [3].

Чорбоғлардаги яшил дунё таркибига манзарали ва мевали дарахтлар, буталар, эрта баҳордан то кеч кузгача бирин-кетин очилувчи гуллар ҳамда узумзор ва анжирзорлар кирган. Манзарали дарахтлар таркибига мирзатераклар, тол, чинор, сарв, мажнунтол, қайрағоч ва шамшодлар кирган. Улар ёрдамида боғда очиқ ва ёпиқ хиёбонлар шакллантирилган. Мевали дарахтлардан олмаларнинг турли навлари, ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, тут ва бодомлар экиш, алоҳида узумзор ташкил қилиш, гуллардан ҳамиша баҳор, атиргуллар, бинафшалар, савсан, гулираъно, наврўзгул, нилуфар, шаббўй, гултожихўроз, арғун, садбарг, райхон, ҳанжарий каби гулларни экиш анъана бўлган [4;6].

Чорбоғларнинг сув дунёси ариқлар, булоқлар, квадрат, олти ва саккиз бурчакли ҳовузлар, фавворалар, шалолалар ва шаршаралардан иборат бўлган. Ҳайвонот дунёси эса хонаки ҳайвонлар, балиқлар, паррандалар ва қушлар: товус, ўрдак, каклик, беданалардан иборат бўлган [3].

Амир Темур ва Темурийлар даври анъанавий чорбоғларини Ўзбекистон ландшафт архитектураси амалиётида қайта тиклаш масаласи республикада бир неча бор кўтарилган. Бу ҳақда ҳатто Самарқанд давлат архитектура-қурилиш университетида А.С. Уралов, К.Ж. Рахимов ва Б.Б. Мустаев раҳбарлигида бир нечта диплом лойиҳалари ва магистрлик диссертациялари бажарилган. Архитектор С.Н. Содиқова "Ўзбекистон ландшафт архитектурасида Темурийлар даври боғ-парк санъатини қайта тиклаш концепцияси" мавзусидаги фалсафа докторлиги диссертациясини, Б.Б. Мустаев эса "Ўзбек миллий боғи меъморий дастурини яратишнинг илмий-назарий ва лойиҳавий асослари" мавзусидаги фалсафа доктори диссертацияларини ёзган. Бироқ, тан олиш керакки, шу чоққача "ўзбек боғи" деб аташ мумкин бўлган миллий боғ ҳозирга қадар яратилмаган. Агар биз ҳам японларга ўхшаб, ўз миллий боғимизни аввал ўзимизда яратсак, сўнгра уни ўзга мамлакатларда ҳам яратиш имкониятига эга бўлар эдик. Биз мазкур тадқиқотда ана шундай дастурни Ўзбекистон архитектурашунослик фанида илк бор яратишга ва уни илмий асослаб беришга ҳаракат қилдик.

Бизнинг фикримизча, бу ишни амалга оширишни аксари Ислом мамлакатларига хос бўлган фундаментал мавзу—“Чорбоғ” концепцияси ва бу боғнинг меъморий–режавий ҳамда ландшафт дунёсини чуқур ўрганишдан бошлашимиз керак. Чунки анъанавий миллий ўзбек боғининг генезиси, яъни илдизи боғчилик санъатининг тарихий “Чорбоғ” услубига бориб тақалади. Ўтмишда, айниқса Амир Темури ва Темурийлар даврида Самарқандда ва Хиротда, Эронда, сўнгра Шимолий Ҳиндистонда гўзал боғлар яратган боболаримиз уларни “Чорбоғ” деб аташиб, уларнинг меъморий–режавий ва ландшафт ечимларини айнан шу “Чорбоғ” услубида яратганлар [6]. Меъморий бўлмаган боғларни эса “қўриқ” ёки “қўриқхона” деб атаганлар ва бундай боғларда ҳам ов қилиб дам олишган, тирандозлик билан шуғулланишган. “Чорбоғ”лар эса Темури ва Темурийлар, кейинчалик Бобури ва Бобурийлар даври, Эронда эса Шох Аббос даври меъморий боғ–истироҳатларининг асосини ташкил қилган [7]. Тўғри, бу чорбоғларга алоҳида номлар ҳам беришган. Масалан, Боғи Дилкушо, Боғи Жаҳоннамо, Боғи Майдон, Боғи Шамол ва ҳоказо. Бироқ, бу боғларнинг меъморий яратилиш тартиботи анъанавий “Чорбоғ” ва “Чорбоғ–ҳиёбон” усуллари асосланган. Бу фикр Темурийлар даври боғ–саройларини ўрганган қатор тарихчи археолог олимларимиз томонидан ҳам исботланган [4;6]. Шундай экан, анъанавий ўзбек боғининг дастурини яратиш учун биз авваламбор Ўрта Осиёда Темурийлар даври боғларининг меъморий асоси бўлмиш тарихий “Чорбоғ” услубига, унинг мазмун ва моҳиятига мурожаат этмоғимиз мақсадга мувофиқдир.

Бизга маълумки, “Чорбоғ” нафақат Ўрта Осиё халқларининг тарихий боғларига хос, балки Ислом шарқи мамлакатларининг ҳам анъанавий боғларига хос бўлган услубдир [8].

Шундай экан, анъанавий ўзбек боғини Ислом мамлакатлари боғ–парк санъатидан айри қараш ёки ундан ажратилган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабдан биз мазкур тадқиқотда муаммони нафақат Темурийлар ва Бобурийлар даври боғ–парк санъати мисолида, балки бугунги кунда Ислом боғчилик санъатининг замонавий амалиёти ривожланган Эрон, Туркия, Марокко, Сурия, Ҳиндистон ва Испания мамлакатлари мисолида ҳам кўриб чиқишни ва уларнинг бу соҳадаги тарихий ва замонавий тажрибаларини ҳам ўрганишга қарор қилдик.

Шундай қилиб, тадқиқотимиз объектлари тарзида Ислом дунёси мамлакатларида Х асрдан бошлаб то XVIII аср охиригача “Чорбоғ” услубида бунёд этилган ва бизгача сақланган анъанавий ислом боғлари асос қилиб олинган.

Ҳозирги даврда Ислом мамлакатларида турли–туман боғлар мавжуд. Улар орасидаги асосий фарқ турар жойлар ва шаҳарлар ҳудудидан ташқарида жойлашган йирик ташқи боғлар ва хусусий тарихий турар жойлар ҳовлилари таркибига кирган мўъжаз боғлардир. Тураржойлар массиви ва шаҳар ташқарисидаги йирик боғлар Ўрта Шарқ мамлакатларида, одатда, “бўстон” (форсийча “меваги боғ”) Шимолий Африкада “агдал” деб аталиб, улар ўтмишда йирик саройлар соҳибларига қарашли бўлган. Бироқ, бугунги кунда бундай боғлардан оммавий истироҳат боғлари тарзида ҳам фойдаланилмоқда. Маррокаш шаҳри атрофидаги Менар ёки Агдал боғ–саройлари ана шундай бўстонлардандир [8].

Ҳар иккала боғда ҳам сокин улкан ҳовузлар мавжуд бўлиб, уларнинг атрофига зайтун ва пальма дарахтзорлари, меваги дарахтлар экилган. Улардан каттаси Агдал боғининг режавий композицияси ўзида бир неча бор такрорланган “Чорбоғ”лар панжарасини эслатади. Боғ марказини улкан ҳовуз–бассейн эгаллаган бўлиб, унинг атрофида бир–бири билан тўғри чизиқли

сув каналлари орқали боғланган майда суғориш ҳовузлари жойлашган. Боғ ҳудуди девор билан айлантрилиб, унинг ичидаги сон–саноксиз квадрат тарҳли “чорбоғ”ларга турли мевали дарахтлар (апельсин, лимон, олхўри, анжир ва анорлар) экилган. Бу чорбоғлар бир–биридан суғориш каналлари билан ажратилиб, ўзаро зайтун хиёбонлари ва сайр йўлаклари орқали боғланган. Агдал ва Менар боғларида гулзорлар йўк, бироқ улар улкан яшил салқин масканлар ҳисобланиб, сув ҳавзалари бўйидаги шаббодалардан завқланиб ва дарахтлар сояларида дам олиб оммавий ҳордиқ чиқариш мумкин.

Бошқа бир оммавий катта истироҳат боғи–бу Лаҳордаги (Покистон) Шалимар боғ–мажмуаси ҳисобланиб, у деярли буткул сув иншоотлари ва бинолар комплексида тузилган. Шалимар қияликдаги бўйлама ўк бўйлаб хиёбонли, саҳни кўп поғонали “чорбоғ”услугида ишланган яхлит боғ мажмуасидир [7;4].

Ислом дунёсининг мўъжаз боғларига эса анъанавий хусусий уйлар ва саройлар ичидаги ҳовли боғлари киради. Бу мўъжаз боғлар “чорбоғ” композициясининг алоҳида маҳаллийлаштирилган ва миниатюралаштирилган шакллари ҳисобланиб, ўлчамлари жиҳатидан анча кичик, юзаси 6 кв.м.дан то каттароқ–20 x 15 м гача боради [8]. Анъанавий ислом шаҳарлари Дамашқ, Фест, Алепподаги хусусий уйлар ва сарой ҳовлиларидаги боғлар ана шундай мўъжаз “чорбоғ”лардир. Уларнинг аксарида марказий фаввора ва ҳовуз мавжуд бўлиб, битта–иккита пальма дарахти ёки туваклардаги гуллар учрайди.

Иссиқ ва қуруқ, жазирама иқлимли Ислом мамлакатларида сув нафақат боғ–парк санъати учун, балки инсон ҳаловати учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Эрон шаҳарлари, жумладан, Исфахонда ҳар бир ҳовлининг боғи бўлиб, унда чинор, тол, беҳи ва ёнғоқ дарахтларидан тушган соялар сарик, тўқ–сарик, ёрқин қизил гулли, хушбўй ҳидли алоҳида экилган атиргул буталарини ёпиб, ҳовлида салқин сояли муҳит яратган. Дамашқ шаҳри ҳовли боғларида ҳам шунга ўхшаш жозибатор муҳит мавжуд. Хусусан хусусий тураржойлар деворлари билан чегараланган ҳовли боғлари шаҳар ичидаги мўъжаз “жаннат боғлари”ни эслатади. Ҳовли боғларининг аксариятида фаввора ёки ҳовуз, гулловчи буталар ва мевали дарахтлар мавжуд [8;2].

Ислом мамлакатлари боғларининг бошқа бир гуруҳи “гулистон” деб аталиб, улар “бўстонлар” ўрнини эгаллашлари мумкин. “Гулистон” деворлар билан айлантрилиб, чирмовик атиргуллар билан бурканган кўшк ёки бир неча атиргул буталаридан тузилган гуллик ҳовли боғларидир [8].

Булардан ташқари, ислом дунёсида мемориал “мақбара боғлар” ҳам мавжуд бўлиб, улар илк бор Шимолий Ҳиндистонда Бобурийлар даврида шакллантирилган [7]. Мақбара боғларнинг композициявий тузилиши ҳам аслида атрофи деворлар билан айлантририлган “чорбоғ” услугидаги анъанавий боғларга асосланиб, боғ маркази ёки тўрига энди боғ кўшки эмас, балки вафот этган кишининг даҳмаси қўйилган мақбара биноси қурилган. Мақбара боғлар манзараси ва муҳити ҳовли боғларидан фарқ қилиб, марказдан ташқарига–уфқнинг тўрт тарафига қаратилган боғлардир.

Уларга мисол қилиб бизгача сақланган учта машҳур тарихий боғни келтириш мумкин: Аградаги Їътимод ад–давла мақбара боғи (Їътимод ад–давла Бобурий Жаҳонгиршоҳ даврида (1605–1627) давлат хазиначиси бўлган), Лаҳордаги Бобурий Жаҳонгиршоҳ мақбара боғи ва Аградаги Тож Маҳал мақбара боғи. Охирги боғ ушбу боғлар ичидаги меъморий, дизайн ва

ландшафт ечимларига кўра энг такомилга эттирилиб қурилган боғдир. Унинг тузилиши асосида ҳам анъанавий “чорбоғ” боғининг меъморий яратилиш ғояси ётади. Нафақат Тож Маҳалда, балки Ислон мамлакатлари боғларининг юқорида баён этилган барча турларида ҳам “чорбоғ” услубининг у ёки бу хил шаклларида фойдаланилган. Йирик боғларда, масалан, Мароккашдаги Агдал боғларининг тарҳида “чорбоғ” чизмаси бир неча бор такрорланган ва ташқи кўринишидан қараганда модулли симметрик режали боғ шаклланган [8]. Умуман олганда, анъанавий “чорбоғ” шаклида Қуръонда ёзилган жаннат боғи акс этирилиб, у фалакдаги Аллоҳ рамзи ва осмон боғини англатади [9]. Барча ислон боғлари, уларнинг хиллари ва қаерда жойлашишидан қатъий назар уларга хос бўлган асосий таркибий тамойил—бу сув ва соя ҳамда уларнинг турли шакллари кўллашдир.

Қуръони Карим барча мусулмонлар учун муқаддас. Шу боис ундаги табиатга бўлган эҳтиром ва жаннат боғининг таърифи анъанавий ўзбек боғининг ҳам мазмун ва моҳиятини тушунишда ёки уни яратишда катта аҳамият касб этади. Қуръони Каримнинг 55—Раҳмон сурасида икки жуфт жаннат боғлари ҳақида сўз кетади [9]. Биринчи жуфт жаннат боғлари сон-саноксиз “шоҳ—новдаларга эга” деб кўрсатилган. Бу боғларда “барча меваларнинг жуфт навлари борки,” улар сувни “икки оқар жаннат чашмалари”дан ичади. Шунинг учун ҳам улар доим сермева ва соя—салқиндир. Қуръонда бу боғларнинг “маваси жаннат аҳлига яқиндир” деб айтилган [9]. Бу оят мазмунини биз ўша мевали дарахтларнинг боғда дам олувчилар ва сайр қилувчилар йўлакларига яқин тарзда экилганлигидан, деб тушундик.

Иккинчи жуфт жаннат боғлари эса биринчи жуфт боғларидан қуйироқда жойлашиб, дарахтларининг бўйи анча баланд, сершоҳ, янада серяпроқ ва серсувдир, шу боис улар биринчи жуфт боғларига кўра “қорамтироқдир” [9]. Уларда тинмай отилиб турувчи икки чашма, яъни фавворалар бордир. “Бу боғларда хурмо, анор, анжир ва зайтун дарахтлари мавжуд” [9].

Жаннат аҳли боғда “яшил болишлар, гўзал гиламлар ва шойи кўрпачалар устида ўтириб дам оладилар”. Мазкур сура оятларида жаннат боғларининг хушхулқ хурлиқолари ва гўзал юзли аёллари борлиги, бу хурлиқоларнинг чодирларда туриши ҳам қайд этилган [9]. Кўриниб турибдики, Қуръоннинг Раҳмон сурасида икки жуфтидан иборат тўртта жаннат боғлари ҳақида сўз юритилган.

“Жаннат” тушунчаси ва уни боғ тарзида тассавур қилиш одати Шарқ мамлакатлари халқларида фақат Ислон давридагина эмас, балки қадим замонлардан буён шаклланиб келган. Бундай тассавур христианлик ва ҳатто иудизмдан ҳам анча аввал, Месопотамиядаги Шумерлар даврида (эрамизгача 4000—йилларда) юзага келган, деб ҳисобланади. Илоҳларнинг жаннат боғлари ҳақидаги фикрлари инсониятга маълум бўлган илк ёзма ёдгорликларда ҳам учрайди. Кейинроқ (эрамизгача 2700 йилларда) бобилликлар Гилгамиш ҳақидаги эпосда ўзларининг “Илоҳий жаннат” ҳақидаги тушунчаларини шундай ёзганлар: “Бу боқий дунёдаги жаннат боғида Дарахт бўлиб, у муқаддас чашма ёнида жойлашган” [1]. Кўриб турибмизки, жаннат боғида икки асосий нарса: дарахт ва сув бор. Демак, бунда дарахтдан тушган соя ва мева ҳам бор. Қуръонда бу боғлар “Жаннат ал—фирдаус” (яъни “жаннат макон боғлар”) деб аталган.

Ислон Шарқи мамлакатларида кенг тарқалган боғларни акс эттиручи бошқа шарқона атамалар, хусусан “чорбоғ”, “чоҳарбоғ”, “бўстон”, “гулистон” ва “пайридез” форсий сўзлар бўлиб, улар бу атамаларнинг генезисини, яъни келиб чиқишини ҳам ўзларида акс эттирган. Бу

ердаги “чорбоғ” ёки “чоҳарбоғ” сўзлари тўрт қисмдан тузилган боғ маъносини берса, “бўстон”– “меваги боғ”ни, “гулистон”–“гуллар боғи”ни, “пайридез” эса пайри-атроф, дез–девор, яъни “атрофи девор билан ўралган боғ–жаннат” маъносини англатади [8].

“Пайридез”лар аслида Ахамонийлар (эрамизгача 590–300 йй.) ва Сосонийлар (эрамизнинг 200–600 йй.) даврида қадимги форс подшоҳларининг ов қилиб ҳордиқ чиқаришига мўлжалланган боғлардир [2]. Улар ҳудудди баланд деворлар билан ўралган боғлар кўринишида шаклланган. Бу боғлар ташқи муҳитдан ёпиқ, яъни ажратилган ва истироҳат мақсадларига мўлжаллангани боис, европаликлар, хусусан инглизлар уларни “paradise” деб, жаннат боғларига қиёслаганлар. Дарҳақиқат, исломдаги “жаннат” сўзида ҳам атроф муҳитдан буткул ихоталанган, ўзининг ички сирлари ва сифатларига эга бўлган жаннатмакон боғлар тасвирланган. Ислом Шарқи мамлакатларидаги боғлар четини деворлар билан ўраш, яъни ихоталаш айнан ана шундай тушунчалар асосида келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Шунинг учун ҳам ўрта аср миниатюраларидаги шарқона боғлар ёки чорбоғлар атрофи баланд деворлар билан тўсилган кўринишда тасвирланган.

Сувга танқис, иссиқ, жазирама иқлими Шарқ ислом мамлакатлари (Эрон, Арабистон, Афғонистон, Ўрта Осиё) анъанавий боғларининг режавий тузилиши уларда қўлланилган суғориш ва ирригация тизимига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган. Текис ҳудудлар учун энг қулай ва тежамли ирригация тизими, маълумки, бу тўғри чизик шаклида ўтказилган ариқ ва каналлардир [6]. Айнан шу боисдан ҳам ушбу мамлакатлар анъанавий боғи–“Чорбоғ”нинг тарҳий ва ҳажмий тузилиши тўғри геометрик чизиклар ва симметрияга асосланган десак тўғри бўлади.

Қуруқ иссиқ, жазирама иқлими мамлакатлардаги сув танқислиги совуқ иқлими серсув мамлакатлардаги олов танқислигига эквивалентдир. Шу боисдан ҳам Шарқ мамлакатлари боғлари учун сув ва соя ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Европа илоҳий боғларининг руҳи улардаги гуллар, майсалар ва дарахтларда акс этган бўлса, Шарқ мамлакатлари боғларининг руҳи бошқа нарсада, яъни оқар сув ва унинг турфа хил гўзал кўринишлари ва боғларда яратилган соя–салқинлардир. Буни унутмаслигимиз лозим. Чунки бу фикрлар Чорбоғ услубидаги боғларнинг семантикасига хос хусусиятлардир.

Мавританиялик муаллиф Ибн ал–Аввам XII асрда боғлар ландшафти ҳақида бир рисола ёзиб, унда қуйидагиларни таклиф қилган: “катта гулзор (клумба)лар манзарасини жозибалаштириш ва бўрттириш учун уларнинг бурчакларига биттадан кипарис экиш, шунингдек, боғнинг бош хиёбони бўйлаб ҳам қаторлаб кипарислар экиш; қаторлаб экишда кипарисдан ташқари кедр ва еллардан ҳамда цитрусовий ва хушбўй ҳидли лавр дарахтларидан фойдаланиш зарур. Ҳовуз ва ҳавзалар юзасини соя билан ёпиш учун, уларнинг атрофига барглари тушмайдиган апельсинсимон вяз, тол ва мажнунтол каби дарахтлар экиш; яшил тўсиқ (панжара)ларни шакллантириш учун эса шамшод ва лавр ҳамда чирмашувчи ва тирмашувчи ўсимликларни, токзорларни қўллаш ҳам фойдалидир” [8]. Деярли минг йил аввал айтилган ушбу таклифлар боғ дизайни мавзуси учун бугун ҳам қанчалик долзарб ва фойдали эканлигига шубҳа қилмасак ҳам бўлади.

Анъанавий ўзбек боғида кўрпачада ўтириб ёки оёқ узатиб дам олишга мўлжалланган миллий ёстиқлар, гиламлар, “чорпоя” ёки “тахти равон” лар бўлиши ва энг муҳими уларнинг

остидан жилдираган “жаннат ариқлари” суви оқиб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Ариқ ёки канал тагига шағал тошлардан териб чиқилса сувнинг жилдираши янада ошиб кишига завқ бағишлайди.

Қуръони Каримда “тагидан дарё оқувчи боғлар” дейилганда аслида ана шундай боғлар эътиборга олинган. Бунда чорпояларнинг куюқ соя-салқинда, ёпиқ яшил манзаравий муҳитда бўлиши одатий деб қаралиши зарур. Боғ йўлакларининг тўшамалари табиий тош ёки ғиштлардан терилган текис саҳнга ва хошияларга эга бўлиши, чорпоялар қошига осилган қафаслардаги какликларнинг соз сайраши кишига ҳузур бериши ҳақида ҳам Қуръони Каримда ёзилган [9].

Боғнинг меъморий ечими мунтазам “Чорбоғ” композициясида ишланиб, унда тўғри йўл ва хиёбонлар, ариқ ва каналлар, ҳовуз ва ҳавзалар, жилдираган фавворалар, хуллас оқар сув ва сояли муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлмоғи керак.

Боғ иморатларини боғ саҳнидан баландроқ, тепароқ жойларга қуриш ва иложи борица жанубга қаратиб жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шундай қилинганда улардан боғ саҳни ва манзарасининг яхши кўриниб туриши таъминланди. Боғ ариқларидаги сув куёш нури остида эмас, балки соядан оққани яхши. Боғда кенг ҳовуз бўлиши, унинг атрофларига барги тушмайдиган сояли дов-даратхлар экилиши мақсадга мувофиқ. Шунда ҳовуз юзи соя билан ёпилади, сув тоза туради, соғлом ёпиқ яшил муҳит ҳосил бўлади. Боғда экилган дарахтлар ортидан жой ташлаб турли нав гуллардан тузилган гулзорлар шакллантирилиб, олдинги дарахтларга кўра контраст тарзда очик яшил муҳит ҳосил қилинади. Гулзорлар муҳитидан кейин эса доим яшил манзарали дарахтлар экилади. Боғ периметри бўйлаб тирмашиб ўсувчи гулловчи буталар экилса яхши чиқади. Боғнинг сўнгги тўрроқ қисмига эса исталган мевали дарахтлардан экилса улар шимолдан ўсувчи шамоллардан боғни ҳимоя қилади ва чиройли мевалар беради. Мевали дарахтлар орасига оддий хушқомат анорлар экилса мақсадга мувофиқ иш бўлади.

Боғ марказига боғ кўшқини баланд қилиб, тепароқ жойга қуриш зарур, токи ундан бутун боғнинг сўлим манзаралари кўриниб турсин. Кўшкка чирмашган атиргул ва мирт, атрофига эса боғни гулгун қилувчи клумба гулзорлар ишлаш яхшидир. Ва бу боғнинг бўйи энидан катта бўлмоғи керакки, унда юрганлар кўзи узокдаги гўзал манзараларга, чаман ва гулзорларга тушсин.

Боғ ичида манзарали дарахтлар ва гулзорлар узра сайр қилиб юрган киши бирон бир ширин мевани ёки сабзавотни кўрмаса, ундан татимаса бундай боғни том маънода Қуръони Каримда ёзилган жаннат боғи деб бўлмаса керак.

Анъанавий ўзбек боғида боғнинг ўзи ва боғ иншоотлари (иморатлар, кўшк, сарой, фаввора, ҳовуз, сўри, чорпоя, йўлак, ариқ) боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тарҳи ва ҳажмига кўра ўзаро узвий ва уйғун боғланишда бўлмоғи керак. Ана шу меъморий яхлитлик, яъни боғ ва унинг иморатлари ёхуд боғ элементлари орасидаги уйғунлик боғ дизайнининг бош тамойилига айланиши зарур. Бунинг учун боғ қисмлари, барча элементлар ва иморатлар геометрияси тўғри чизиқли, бир-бирига стилистик ўхшаш, мунтазам, аксли симметрия қонунига асосланган бўлиши талаб этилади. “Чорбоғ” композицияси бу тамойилнинг меъморий гаровидир. Чорбоғ услубида бунёд этилган ва бизгача етиб келган ва келмаган ислом дунёсидаги барча боғлар Темурийлар ва Бобурийлар боғлари, Эрон ва Дамашқ, Туркия боғлари буни исботлаб турибди. Бу боғларнинг барчаси (саройлар қошидаги боғлар, шаҳар ташқарисидаги маҳобатли боғ-саройлар, мўъжаз ҳовли боғлари, мақбара боғлар) мунтазам геометрик режавий ечимга, яъни “Чорбоғ” услубига асосланган боғлардир. Уларнинг яратилиш концепциясида

юқоридаги меъморий яхлитлик, геометрик мунтазамлик ва симметриядан ташқари “сув ва соя қонуни” мавжуд.

Демак, анъанавий ўзбек боғида ана шу қонуниятлар, яъни тамойиллар етакчи ўринни эгаллашлари зарур. Бу асосий меъморий тамойилларга манзарали ва мевали дарахтлар, кузалиб сунъий шакллар берилган манзарали дарахтлар, тоқзор (узум), гулзор ва сабзавотлар ҳамда қўлга ўргатилган ҳайвонот дунёсига ҳам тегишли жой ва ўрин берилишини шарт деб ҳисоблаймиз. Ана шундагина бу боғ нафақат ўзбекнинг, балки бошқаларнинг дилини ҳам яйратиш хусусиятига эга бўлади. Ана шундагина бу боғни биз мусулмонларнинг Қуръони Каримида ёзилган “Жаннат ал-фирдаус”сига қиёслашимиз ва ўхшатишимиз мумкин! Бу боғ бизга Қуръонда “фойдали ва фазилатли иш қилганларга” ваъда қилинган жаннат боғини ва унинг турли сифатларини, масалан, “Жаннат ал-хулд”ни (“адабиёт боғини”), “Жаннат ан-наим” (“фароғат боғини”), “Жаннат ал-малва”ни (“истиқомат боғини”) ва шунингдек “жаннат Адн”ни, яъни “Одам ато боғи”ни эслатиб туриши зарур. Қуръонда жаннат боғининг сифатига нисбат берилиб, энг кўп (30 дан ортиқ) марта тилга олинган боғ, бу “Жаннат тажри мин тахтиха ал-анҳор”, яъни “тагидан дарё оқувчи боғ” ҳисобланади [9].

Бундай боғдаги ариқ сувлари чорпоялар, кўшқлар ва дарахтлар сояси тагидан жилдираб оқиб ўтмоғи, ҳовуз ва фавворалардаги сув саҳни эса сайр қилиш йўлакларидан паст бўлиб, уларнинг юзасига куюқ соя тушмоғи зарур. Фикримизча, айнан ана шундай боғлар Қуръони Каримда “тагидан дарё оқувчи боғлар”га қиёсланган [9].

Анъанавий ўзбек боғи ҳам бундай сифатга том маънода эга бўлмоғи, тўғрироғи бу сифат унинг энг муҳим меъморий-ландшафт тамойилларидан бири бўлмоғи керак. Бу сифат боғда сув дунёсининг турли меъморий шакллари (ариқларда жилдираб оқаётган сув, фавворалардан тизиллаб отилаётган сув, сокин ҳовуз суви, агар боғ қияликда жойлашган бўлиб, саҳни текис поғоналарга бўлинган бўлса шалоларлардан шилдираб оқаётган сув) ҳам анъанавий ўзбек боғига хос муҳим хусусиятлардан бўлиши керак.

Анъанавий ўзбек боғи ўзида юзаки чирой, манзаравийликни эмас, балки табиат гўзаллиги ва тартиботини, инсон ва табиатнинг илоҳий яхлитлиги ҳамда Инсонинг ердаги роли ва мазмунини чуқур билиш ва тушуниш асосида яратиладиган анъанавий “Чорбоғ” услубидаги жаннатий боғ бўлмоғи керак, десак хато кетмаймиз.

Ана шундай меъморий тафаккур ва тамойиллар асосида яратилган ҳар қандай анъанавий шарқона боғ жуда катта ижтимоий-маданий ва бадиий эстетик имкониятларга эга бўлиши муқаррардир.

Шуни унутмаслигимиз керакки, бизнинг ҳозирги кунларимизда боғ ва умуман табиат тушунчалари ҳар қандай миллийликдан, ирқий, диний ва мафкуравий тушунчалардан юқори туриши керак. Чунки, масалан, япон ёки француз боғи нафақат япон ва французларга, балки барча ақлу-инсонларга ҳам бирдай гўзаллик бахшида этиши ҳаммамизга маълум. Шундай экан анъанавий ўзбек боғининг ҳам ана шундай гўзал сифатларга ва улардан ҳам юқори жаннатий фазилатларга эга бўлиши кутилади.

Хулоса ва таклифлар. Шундай қилиб, биз анъанавий ўзбек боғини яратишда юқорида баён этилган дастуру-амалларга, тартиботларга ва тарихий қадриятларга асосландик, уларга оғишмай амал қилдик, келажакда бунёд этиладиган миллий ўзбек боғини илмий асослашнинг

фанда илк бор тамал тошини қўйдик ва ана шу тарихий қадриятлар ва меъморий дастурга асосланиб аввал ўзимизда, республикада, сўнгра хорижий мамлакатларда ҳам миллий ўзбек боғини яратиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

Ўзбек миллий боғини яратишнинг меъморий дастури ва боғни ташкил қилишнинг асосий тамойиллари қуйидагича ишлаб чиқилди.

Боғнинг тархий ечими:

- Ўзбек миллий боғининг меъморий ечими мунтазам "Чорбоғ" композициясида ишланиб, унда тўғри йўл ва хиёбонлар, ариқ ва каналлар, ҳовуз ва ҳавзалар, жилдираган фавворалар, хуллас оқар сув ва сояли муҳитнинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга бўлиши. Боғ тархининг квадрат ёки тўғри тўртбурчак шаклида (1,5-2 квадрат ёки 2x2; 2x3; 3x3; 3x4; 4x4 ва ҳоказо квадрат шакллардан таркиб топган) бўлиши;

- Боғнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимини жой рельефига мос тарзда шакллантириш: текис ҳудудларда мунтазам режали симметрик композицияли боғлар яратиш; қияликларда эса боғ ҳудудини мунтазам режавий ечимларда ишланган текис поғоналарга бўлиб чиқиш;

- Боғ тарҳидаги ҳар бир квадратнинг "чорбоғ"дан, чорбоғ эса ўз навбатида "чорчаман"лардан тузилиши;

- Боғнинг бўйи энидан катта бўлмоғи керакки, унда юрганлар кўзи узоқдаги гўзал манзараларга, чаман ва гулзорларга тушсин (1-расм).



1-расм. 1. Асосий дарвоза 2. Иккинчи ошён 3. Катта ва кичик йўлаклар 4. Ҳовуз 5. Чорча-ман 6. Кўрғазма заллари саройи 7. Чорбоғ 8. Сарой 9. Жаннат ҳовузи 10. Топиар майдони 11. Суҳбатгоҳ 12. Фаввора 13. Воиш 14. Миллий ошхона ва чойхона 15. Чорпоя 16. Мевали дарахтлар 17. Полиэкинлари учун майдон 18. Ўтов ва чодирлар учун майдон 19. Ёрдамчи дарвоза.

Боғ архитектураси:

- Боғнинг чоратрофдан яшил деворлар билан чегараланиб, атроф-муҳитдан холилаштирилиши, яъни унга "жаннат" рамзининг берилиши. Боғ дарвозасининг алоҳида салобатли ва мунаққаш ишланиши;

- Боғда маданий-маърифий тадбирлар ва концертлар ўтказилиб туриладиган кўп функцияли саройнинг бўлишлиги ва унинг архитектураси миллий анъаналар асосида алоҳида эътибор билан ишланиши;

- Боғ марказида зилол сувли "жаннат ҳовузи", унинг ўртасида ушбу саройнинг жойлашиши ва унинг чоратроф билан кўприклар орқали боғланиши;

- Боғ саройини табиий ёки сунъий ишланган тагкурси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш. Саройнинг боғ сатҳига нисбатан юқорида, яъни "жаннат ҳовузи" сатҳидан баландроқ тагкурсида қурилиши;

- Боғ саройи архитектурасининг аксли симметрик мунтазам композицияда ишланиши ва ҳовузда аксланиши;

- Сарой атрофида хушбўй гулларнинг ўсиб туриши;

- Боғда катта ва кичик сайргоҳ хиёбонлар, боғ йўлакларининг ташкил этилиши;

- Боғнинг бош ва ёнбош хиёбонлари бир-бирига қўндаланг, яъни перпендикуляр бўлишлиги. Ёнбош хиёбонлар устидан боғнинг муҳим янгилиги-“иккинчи ошён”нинг қурилиши;

- Боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларининг гўзал меъморий композициялар (ҳовуз, фаввора, кўшк, воиш, равоқ ва шу кабилар) билан безалиши.

Боғни кўкаламлаштириш:

- Хиёбонларни қуёш нури эътиборга олиб, уфқ томонларига мос ҳолда кўкаламлаштириш ва боғда кўпроқ сояли муҳитларнинг ташкил этилиши;

- Боғ сайргоҳ йўллари четида гуллар шундай экилсинки, улар эрта баҳордан то кеч кузгача очилиб турсин;

- Боғда нафақат манзарали, балки мевали дарахтларнинг ҳам тартиб билан экилиши. Ўзбек халқига азалдан маҳаллий ҳисобланган манзарали дарахтлардан тол, терак, қайрағоч, сарв, арча, аръар, мажнунтол каби дарахтлар, мевали дарахтлардан олмаларнинг турли хиллари ҳамда ўрик, шафтоли, анор, нок, олча, анжир, узум ва бодомларнинг турли навларидан фойдаланиш. Суғориш шаҳобчаларининг мунтазам ва тежамли шакллари қўллаш. Боғда оқар сув ва сояли муҳитнинг мавжудлиги;

- Боғ фавворалари ва ариқларида оқ, қизил ва сариқ олмаларнинг сув юзида қалқиб туриши;

- Боғда қўлга ўргатилган оҳулар ва жаннат қушлари-товусларнинг эркин юриши. Боғ ҳовузларида турли рангдаги балиқларнинг сузиб юриши.

Боғ иморатлари ва қурилмаларининг дизайни:

- Боғда ўзбек миллий ошхонаси ва чойхонасининг бўлишлиги. Чойхонада стол-стуллар эмас, устига хонтахта ва дастурхон тўшалган чорпояларнинг бўлишлиги, улар ёнидаги воишларда эса какликлар ва беданаларнинг сайраб туриши;

- Миллий ўзбек боғида кўрпачада ўтириб ёки оёқ узатиб дам олишга мўлжалланган миллий ёстиқлар, гиламлар, “чорпоя” ёки “тахти равон”лар бўлиши ва энг муҳими уларнинг остидан жилдираган “жаннат ариқлари” сувининг оқиб туриши. Ариқ ёки канал тагига шағал тошлардан териб чиқилса сувнинг жилдираши янада ошиб кишига завқ бағишлайди;

- Боғ ариқларидаги сув қуёш нури остида эмас, балки соядан оққани яхши. Боғда ҳовузлар атрофига серсояли дов-даратхларнинг экилиши. Масалан: чинор, мажнунтол, эман, каштан ва

бошқалар. Шунда ҳовуз юзи соя билан ёпилади, сув тоза туради, соғлом ёпиқ яшил муҳит ҳосил бўлади;

- Миллий ўзбек боғида боғнинг ўзи ва боғ иншоотлари (иморатлар, кўшк, сарой, иккинчи ошён, фаввора, ҳовуз, сўри, чорпо, йўлак, ариқ) боғнинг муҳим таркибий қисмлари деб қаралиб, уларнинг композицияси эса тарҳи ва ҳажмига кўра ўзаро уйғун боғланишда бўлмоғи зарур. Ана шу меъморий мутаносиблик, яъни боғ ва унинг иморатлари ёхуд боғ қурилмалари орасидаги уйғунлик боғ дизайнининг бош тамойилига айланиши зарур. Бунинг учун боғ қисмлари, барча элементлар ва иморатлар геометрияси тўғри чизиқли, бир-бирига стилистик ўхшаш, мунтазам, аксли симметрия қонунига асосланган бўлиши талаб этилади. "Чорбоғ" композицияси эса бу тамойилнинг меъморий гаровидир.

Боғни функционал ташкиллаштириш:

- Боғда ўзбек халқ амалий санъати, миниатюра ва тасвирий санъат асарларининг ҳамда Ўзбекистон тарихий шаҳарлари, масалан Хивадаги Ичан қалъа, Самарқанддаги Регистон ва бошқа машҳур меъморий иншоотлар макетларининг кўргазма заллари бўлишлиги. Залларнинг бири ок рангда, бири қизил, яна бошқасининг ранги феруза, яъни ўзбек байроғининг ранглари ўзида ифодаланиш;

- Боғда ўз ҳаётини маънавият ва маърифатга бағишлаган қаҳрамонлар хиёбони, яъни ўзбек халқининг машҳур давлат арбоблари, алломалари, шоирлари хиёбонларининг ташкил этилиши.

- Боғда сув ва соя, боғ муҳити ва иморатлари уйғунлигининг таъминланиши, контраст ва нюанс, ритм ва симметрия каби бадиий-меъморий воситалардан самарали фойдаланиш;

- Боғда очик ва ёпиқ яшил муҳитлар, боғ сценарияси кетма-кетлигининг таъминланиши. Боғда кишини боғнинг энг аҳамиятли композицияларини сезишга, инсонни шеърятга, адабиётга ундовчи, тарихий меросга қалбан яқин бўлишга ва шахс руҳиятини романтик бойитувчи пейзажлар, меъморий шакллар ва ландшафт дизайни қурилмаларининг бўлишлиги;

- Боғда ўзбек миллий ўйинлари: кураш, дорбозлар ва полвонлар, масхарабозларнинг чиқишлари каби ўйинларга ҳамда умуммиллий байрамларимиз "Мустақиллик", "Наврўз" ва "Қурбон ҳайит"ни тантанали ўтказишга мўлжалланган ягона универсал майдоннинг ташкил этилиши;

- Боғда ўзбек халқининг боғ-парк санъатига доир экспонатлар кўргазмаси: Нигористон, яъни бадиий-тасвирий санъат асарлари кўргазмаси, ўзбек халқининг миллий либослари ва келин тўйи (чимилдик) маросимлари кўргазмаси, ўзбек миллий таомлари ва шарбатлари билан меҳмон қилувчи ошхона ва чойхоналар, миллий мусиқа, фолклор гуруҳларининг чиқишларини ташкиллаштириш;

- Боғда турли хил катта ва кичик аттракционлар зонаси, болалар зоналари, спорт ва жисмоний тарбия машқлари зонаси, фахрийлар зонаси, тинч дам олиш ва сайр қилиш жойлари ҳамда хўжалик зонаси бўлишлиги мақсадга мувофиқдир;

- Ўзбек миллий боғида юқоридаги функциялар ва меъморий сифатлар бўлмоғи, тўғрироғи бу сифатлар унинг энг муҳим меъморий-ландшафт тамойилларидан бўлмоғи керак. Бу сифатлар боғда сув дунёсининг турли меъморий шакллари (арикларда жилдираб оқаётган сув, фавворалардан тизиллаб отилаётган сув, сокин ҳовуз суви, агар боғ қияликда жойлашган бўлиб,

сахни текис поғоналарга бўлинган бўлса шалоларлардан шилдираб оқаётган сув) ҳам миллий ўзбек боғига хос муҳим хусусиятлардан бўлиши керак;

- Ва, ниҳоят боғнинг "ўзбек миллий боғи" - "истироҳат, маънавият ва маърифат бўстони боғи", деб номланиши.


Ўзбек миллий боғининг семантикаси ва атрибутлари:

Ўзбек миллий боғининг семантикаси (боғнинг мафкуравий, ғоявий фалсафий ва романтик ўзига хослиги, кишини шоирона ҳис-ҳаяжон ва мушоҳадаларга тортиш даражаси ҳамда таркибидаги меъморий-ландшафт аломатлари) бизга тарихий яқин бўлган ислом боғларига хос хусусиятларни ўзига сингдириши мақсадга мувофиқ. Чунки ислом мамлакатларида кенг тарқалган анъанавий боғларнинг меъморий ғояси худди биз ўзбекларники каби "Чорбоғ" услубига асосланган. Бу эса бизнинг иссиқ ва қуруқ субтропик иқлим шароитимиз, сув ресурсларимиз ва мафкуравий ғояларимизга ҳамоҳангдир.

Ўзбек миллий боғига хос меъморий атрибутлар тарзида қуйидаги ландшафт қурилмалари ва объектларини тақлиф қиламиз:

- ховузлар;
- чархпалаклар;
- айвонлар, пешайвонлар, кайвонлар, шийпонлар, чодирлар ва ўтовлар;
- фавворалар, шаршаралар, шалолалар;
- анъанавий кўшк ва саройлар тарзидаги кўп функцияли маданият ва маърифат саройи;
- тасвирий санъат асарлари, ўзбек халқининг миллий либослари ва келин тўйи (чимилдиқ) кўرғазмалари зали;
- миллий фолклёр эстрадаси;
- миллий ўйинлар майдончаси,
- миллий чойхона ва ошхона, чорпоё ва хонтахталар;
- "топиар" майдончаси;
- "чорчинор" майдончаси.

Дастурда "топиар" майдончасининг ўзига хос миллий шакли (2-расм) тақлиф этилган бўлиб, уни боғнинг болалар ва ўсмирлар зонасида жойлаштиришга тавсия берилган.



2-расм. Ўзбек миллий боғи ҳудудида ташкил этишга тавсия қилинган «Топиар» майдончасининг умумий кўриниши.

Ўзбек миллий боғининг “иккинчи ошёни”:

Ўзбек миллий боғини яратишда илк бор "икки ошёшли боғ" тушунчаси илмий муомалага киритилиб, уни шакллантиришда қуйидаги меъморий-режавий ва конструктив тамойиллар ишлаб чиқилди:

-боғ сатҳидаги катта сайргоҳ йўлак устига текис, соябон шаклидаги иккинчи сайргоҳ йўлак қурилади ва унда сайр қилиб юриш учун ҳавфсизлик чоралари кўрилади;

-иккинчи ошёндаги мазкур сайргоҳ йўлак боғ сатҳидаги сайргоҳ учун соябон вазифасини бажаришдан ташқари унда сайр қилувчиларга боғ ландшафти ва манзарасини яқиндан томоша қилиш, боғда экилган манзарали ва мевали дарахтлар шох-шаббалари ва япроқларига яқин бориш, улар гулларининг хушбўй хидидан роҳатланиш ва меваларидан тотиб кўриш имкониятини беради;

-иккинчи ошёндаги сайргоҳ йўлак, айти пайтда, боғнинг бош хиёбони устидан, уни кўндаланг тарзда кесиб ўтиши талаб қилинади;

-иккинчи ошёндаги сайргоҳ йўли боғ сатҳидаги баланд фавворалар атрофидан ўтганда майда сув томчиларидан ҳосил бўлган камалакни кўриш имкониятига эга бўлади;



3-расм. Боғ иккинчи ошёнининг умумий кўриниши.

Хуллас, "иккинчи ошён" миллий ўзбек боғининг янгиликларидан бири ҳисобланиб, у боғ семантикасининг мазмун-моҳиятини янада оширади ва боғнинг ўзига хос миллий аттракцион ролини ҳам ўйнайди (3-расм).

Ўзбек миллий боғининг бош хиёбонини кўкаламзорлаштиришда метрик ритм, яъни қаторлар усулида экиладиган ландшафт композициясини қўллаш мақсадга мувофиқдир, чунки ўтмишда ҳам боболаримиз хиёбонларни меъморий ландшафт шакллантиришда дарахтларни қаторлаб эккан.

Шунингдек, дастурда ўзбек миллий боғини ландшафт ташкиллаштиришда Ўрта Осиё халқлари ўтмиши боғ-парк санъатига хос бўлган "Чорчинор" ва "Топиар" (ўсимликларни кузаб уларга сунъий шакллар бериш) композицияларини қайта тиклаш амалиётини ҳам йўлга қўйиш тавсия қилинди.

Ўзбек миллий боғи меъморий-режавий ва ландшафт ечимларининг амалий моҳияти ва ижтимоий самараси:

- боғ ҳудудига тўлиқ эгалик қилиш ва унда ҳолисона, жаннатмакон меъморий муҳит яратиш имкониятининг мавжудлиги;

- боғни ташкил қилишда жой рельефини эътиборга олиш, боғ ҳудудини тежамли ва тезкор суғориш, боғда табиий ландшафт манзараларини сақлаб қолиш имкониятларининг яратилиши;

- боғнинг ландшафт ечимида мунтазамлик ва ўзига хос орасталик тартибининг яратилиши, боғ манзарасини нафақат боғ худудидан, балки унинг иккинчи ошёнидан туриб томоша қилиш ва очиқ-муҳитли фазовий ландшафт композицияларини яратиш имконининг туғилиши;

- боғ ландшафти файзининг ошиши, уни нафақат меъморий истироҳат боғи тарзида, балки ундан хўжалик мақсадларида ҳам фойдаланиш имкониятининг яратилиши;

- боғ ландшафти муҳитининг манзараси, биологик ва экологик уйғунлигининг ошиши, боғ муҳитига табиий гўзаллик ва орасталикнинг бахшида этилиши;

- боғ бош биносининг салобати ва маҳобатининг ошиши, ландшафт муҳити билан сунъий уйғунлашиши. Меъморий шакллар ва боғ табиий элементларининг яхлитлиги ва уларга алоҳида урғу берилиши;

- йўлакларнинг боши ва охири, хиёбонлар кесишган жойлар меъморий ечимлари сифатининг яхшиланиши, уларнинг ландшафт композициялари ва мўъжаз меъморий шакллар билан бойитилиши;

- хиёбонлар микроклимининг яхшиланиши, боғда “сув ва соя” қонунининг, соя-салқиннинг таъминланишига эришиш.

Жаҳон мамлакатлари халқларининг миллий боғларини яратиш тажрибаларини эътиборга олиб, биз ҳам “ўзбек миллий боғи”ни эгаллаган худуди ва вазифасига кўра уч вариантда: 1) тўлиқ кўринишда; 2) ярим қисқартирилган кўриниш ва 3) қисқартирилган кўринишларда бўлишлигини таклиф этамиз. Тўлиқ кўринишдаги боғ ўзининг меъморий ландшафт ечимига юқоридаги меъморий Дастурда келтирилган барча бандларни киритса, ярим қисқартирилган кўринишдаги боғда 12, 23, 24, 26, 28, 29-бандларининг бўлмаслиги, қисқартирилган кўринишдаги боғни меъморий-ландшафт ташкиллаштиришда эса Дастурнинг фақат 1 дан 5 гача ва 13 дан 22 гача бўлган бандлар талабларини таъминлаш кўзда тутилган. Тўлиқ кўринишдаги ўзбек миллий боғининг худуди 16 гектардан 36 гектаргача, ярим қисқартирилган боғ-14 гектардан 16 гектаргача, қисқартирилган боғ худуди эса 1 гектардан 4 гектаргача жой эгаллаши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Рандхава М. Сады через века. – Москва: Знание, 1981.
2. Рахимов К.Д., Уралов А.С. Шарқ мамлакатларининг боғ–парк санъати.–Тошкент: Sano-standart, 2014.
3. Уралов А.С., Садиқова С.Н. Ўрта Осиё анъанавий “Чорбоғ” услуби ва замонавий боғ–парк санъати.–Тошкент: San`at, 2012.
4. Алимов Ў. Ўрта асрларда Мовароуннахрда боғчилик хўжалиги тарихи. – Тошкент: Фан, 1984.
5. Беренстрен В. Империя Великих Монголов/ Linde imperiale des grands moghols. –Москва: АСТ, 2005.
6. Пугаченкова Г.А.Среднеазиатские сады и парки XV в. // Из художественной сокровищницы Среднего Востока. – Ташкент: Изд.литературы и искусства имени Гафуря Гуляма, 1987.
7. Садиқова С.Н. Садово–парковое искусство Бабуридов.–Ташкент, 2015.

8. Кларк Э. Искусство исламского сада.// Пер. с англ.–Москва: “Ниола–Пресс”, 2008.
9. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар. Муаллифи Алоуддин Мансур.–Тошкент, 1992.
10. Булатов М.С. Сады и парки Темура и Темуридов. – Т.: Маскан журналы, №2. 1993.
11. Sajjad Kausar, Michael Brand, James L. Wescoat. “Shalimar Garden Lahor. Landscape, Form & Meaning.”1990. Pakistan.